

ЯНГИЛИКЛАР

ДЕЛЕГАЦИЯ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида Халқаро молия корпорацияси (ХМК) делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.



Тадбирда ХМК томонидан режалаштирилаётган бирламчи ва иккиламчи бозорларда уй-жойларни молиялаштиришни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистонда микро, кичик ва ўрта бизнесни (МКЎБ) молиялаштириш бозорини кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

Швейцариянинг "Business&Finance Consulting" компанияси ҳамда Марказий банкнинг Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ходимлари ҳамкорлигида Республикаимизнинг 6 та ҳудудида 11 та тижорат банкнинг 60 дан зиёд филиалида хизмат кўрсатиш сифати "сирли мижоз" услуги орқали баҳолаш юзасидан ўрганишлар ўтказилган эди.

БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ БАҲОЛАНДИ

Марказий банкда мана шу жараённинг натижаларини таҳлил қилишга бағишланган семинар ташкил этилди. Мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини баҳолаш методологияси тўғрисида батафсил маълумот берилди. Ушбу хизматни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш ҳамда мазкур йўналишда рақамли технологиялардан фойдаланишни кенг жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

ТЕЛЕГРАМ-БОТ ОРҚАЛИ ЯНГИ ИМКОНИАТ

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сотув шохобчаларида ўлчовли олтин куймалар ва эсдалик тангаларининг қолдигини осон топиш имконини берувчи @cbu-coinbars-bot телеграм-боти ишга туширилди.

Ушбу ботда ўлчовли олтин куймалар, олтин ва кумушдан тайёрланган эсдалик тангалари қолдиқлари сотув шохобчалари ҳамда нархлари тўғрисида маълумотлар ҳар куни жойлаштириб борилади.

ТАЙИНЛОВ



"Hamkorbank" АТБ Бошқаруви раисининг 2021 йил 11 ноябрь кунги 875/к сонли буйруғига асосан Туражанова Олмаҳон Юсупжановна 2021 йил 11 ноябрь кундан "Hamkorbank" АТБ Ходимлар билан ишлаш департаменти директори лавозимига тайинланди.

БАНК СТРУКТУРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

"Hamkorbank" АТБ Бошқарув йиғилишининг 2021 йил ноябрдаги қарорига асосан, Ходимлар билан ишлаш департаменти ташкилий структурасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, департамент таркибида "Бош банк ходимлари билан ишлаш сектори" ташкил этилди, "Корпоратив ўқув маркази" эса "Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш" бўлими таркибига ўтказилди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

"НАМКОРБАНК" АВТОКРЕДИТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИНГ

Такси ва жамоат транспорти асирлигидан озод бўлинг, автокредит расмийлаштиринг!

Кредит ёрдамида сиз янги ёки юрган автомобилни харид қилишингиз мумкин. "Hamkorbank" эса шахсий автомобилга қулай шартларда эга бўлишда сизга ёрдам беради.

4 ЙИЛГА

РАСМИЙЛАШТИРИЛГАНДА:

- 50 % бадал – йиллик 22,9 %
- 40 % бадал – йиллик 24 %
- 30 % бадал – йиллик 25 %

3 ЙИЛГА

РАСМИЙЛАШТИРИЛГАНДА:

- 40 % бадал – йиллик 22,9 %
- 30 % бадал – йиллик 24 %



ИНТЕРНЕТДА ХАВФСИЗЛИК:

ТЎЛОВЛАРНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУМКИН?

Пул маблағларини алдов йўли билан ўзлаштириш мақсадидаги фирибгарга барчамиз дуч келишимиз мумкин. Афсуски, баъзи ҳолларда улар ўз мақсадларига эришмоқда ҳам.

Қандай қилиб ўзингизни ҳимоялаш ва маблағларингизни сақлаб қолиш мумкин? Қуйидаги тавсияларга қулоқ тuting:

Интернет-банкнинг ва SMS-огоҳлантириш хизматларига уланинг. Шу йўл билан сиз картангиздаги амалиётларни назорат қиласиз. Шубҳали сайтлардан фойдаланманг. 3-D Secure хавфсиз технологиясидан фойдаланинг.

Қайси тўлов ти-



зимидан фойдаланаётганингизга қараб, сайтларда "Verified bu Visa", "MasterCard Securecode" ёзувини кидиринг.

Онлайн-тўловлар учун алоҳида кар-

та очинг ва унда кўп маблағ сақламанг. Масалан, "Hamkor Mobile" иловасида виртуал Visa картасини очиб, исталган маблағ билан унинг ҳисобини тўлдириб туришингиз мумкин.

Картангиз маълумотлари: картанинг олд томонидаги рақамлар ва орқа томонидаги CVV-кодни ҳеч кимга айтманг.

Картангизни ижтимоий тармоқларда намойиш этманг ва ҳеч кимга юборманг.

"Hamkorbank" карталарини танланг ва хавфсиз фойдаланишни йўлга қўйинг!

Қува тумани аҳолиси "Hamkorbank" АТБнинг мижозси бўлиши учун биргина Қувасой филиали хизматларидан фойдаланар эди. 2009 йилда филиалнинг Қува банк хизматлари офисининг ташкил қилиниши уларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилди.

Дастлабки фаолиятини 2 нафар ходим билан бошлаган кичик молия муассасамиз изланишлар натижасида бугун кўзга кўринган ва кўрсаткичлари юқори банк хизматлари офислари қаторидан жой олди. Йилдан-йилга аҳолининг банк хизматларига бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Ҳар бир жамоанинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Шу маънода Автосозлик филиалига қандай баҳо бериш мумкин? Бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш, фаолият самарадорлигини ошириш, илғор экотизимни шакллантириш жамоанинг стратегик мақсадлари ҳисобланади. Бундай мақсадлар ишга идеал ёндошув асосида амалга оширилади.

ПРОФЕССИОНАЛ, АҲИЛ ЖАМОА

Чакана бизнесни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда хазина амалиётларини ривожлантириш банкнинг стратегик йўналишларини белгилаб берган, десак муболағасиз. Бугунги кунда мижозлар учун намунали хизматлар кўрсатиляпти. Шу боис 2020 йилга нисбатан жорий йилда уларнинг сони кескин ошди. Қатор корхона ва ташкилотлар энг йирик мижозлар қаторидан ўрин олди. Қўйлик, Миробод, Буюк ипак йўли банк хизмати офисларида ҳам намунали иш ташкил қилинган пойтахтликлар учун қулай имкониятларни яратяпти.

Мазкур филиалга "профессио-

БАРЧА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ШУ ЖОЙДА

Айниқса, тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқароларнинг дастлабки фаолиятини йўлга қўйишларида кўмакчи бўляпмиз. Шунингдек, илгари юридик мижозларга чек орқали маблағ чиқариш фақат Қувасой филиалида амалга оширилар эди. Эндиликда ушбу функция бизнинг кичик банкимизда ҳам амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда туман аҳолиси учун ипотека, микроқарз, автокредит ва бошқа турдаги кредитлар ажратилляпти. Кредит портфелимиз 30 миллиард сўмдан



зиёд. Жорий йилнинг шу кунига қадар фойда кўрсаткичи 87,5 фоизни ташкил қияпти. Бу туман аҳолисининг 30 фоизи бизнинг мижозимиз деганидир.

Ходимларимизнинг ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Умиджон Йўлдошев каби билимли, изланувчан

ва ташаббускор ёшлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошишига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.


Жамоамизнинг яқдиллиги туфайли қатор йиллардан буён бош банкнинг эътирофига сазовор бўлиб келяпмиз. Айни вақтда 300 дан зиёд юридик ва 6 мингдан ортиқ жисмоний мижозларимиз бор. Микрокредит, омонат, пул ўтказмалари ва бошқа хизматлар шу жойда амалга оширилади. Энг кўп талаб бўлаётган микроқарз кредити ҳам айнан БХОдан чиқариляпти. Бу мижозларимизга маъқул бўлмоқда.

Дониёржон АЪЗАМОВ,
БХО бошлиғи.

2021 йил филиал жамоаси учун муваффақиятли бўлмоқда. Йил бошида режалаштирган янги мижозлар жалб қилиш, йирик лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш каби ишлар ижобий самара берди. Мини банклар БХОларга айлантирилди, тармоқлар замонга хос қайта таъмирланди. Юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган барча турдаги банк амалиётлари БХОларда ҳам бажариляпти. Бу, албатта, хизмат кўрсатиш сифати ва банкка бўлган ишончни оширади. Эришилаётган ютуқларнинг асосий омилларидан бири банк тизимидаги янгиликларни амалиётга татбиқ этиб, талаб даражасида иш юритилаётганидир.

Банк Кенгаши раисининг март ойида филиалда бўлиб, жамоа билан самимий мулоқоти ходимларга куч-ғайрат, ишонч ва, албатта, мақсадга эришиш йўлида катта далда бўлди. Асосийси, банк тизимидаги ислохотларни амалга ошириш баробарида молия муассасалари орасида "Автосоз" ўз ўрнини топяпти.

Н. ЙЎЛДОШЕВА.



нал, аҳил жамоа", дея таъриф бериш ўринли. Ҳар бир иш биргаликда бажарилади. Ходимларнинг кичик муаммоси ҳам жамоавий бартараф этилади. Изланувчан, билимли ёшлар билан шакллангани ҳам қувонарли. Қолаверса, мижозларнинг кундан-кунга кўпайиб бораётгани уларнинг ўз ва-зифасини сидқидилдан бажараётганининг натижасидир.